2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 66 (588), 2022 йил 2 апрель, шанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ПАРЛАМЕНТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ





**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди.**

Парламент раҳбари Ўзбекистон етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда умумий тарихий илдизлар, ягона дин, муштарак тил, маданият, анъана ва қадриятлар мамлакатларимиз стратегик шериклигининг асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди. Ушбу мустаҳкам пойдеворга таянган ҳолда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришилди.

Ҳамкорликнинг барча соҳаларида — иқтисодиёт, сиёсат, парламентлараро алоқалар, маданият ва ижтимоий соҳада муваффақиятларга эришилмоқда. Барча даражаларда фаол мулоқотлар, расмий делегациялар, бизнес ва жамоатчилик вакилларининг ўзаро ташрифлари давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда, пандемияга қарамай, товар айирбошлаш 4 карра ошди. Жорий йил бошидан савдо 25 фоизга кўпайган. Икки юздан ортиқ қўшма корхона ташкил этилган.

Ўзбекистон ва Озарбайжон парламентлари ўртасида яқин ва кўп қиррали шериклик йўлга қўйилгани ҳам ушбу ижобий натижаларга хизмат қилди. Буни янада ривожлантириш учун икки мамлакат қонун чиқарувчи органларининг тизимли ва самарали алоқаларини мустаҳкамлаш зарур.

Айни пайтда парламентлар Ўзбекистон ва Озарбайжон халқларининг бевосита вакиллари сифатида “халқ дипломатияси”ни илгари суриш, шу жумладан, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутишлари керак.

**ЎзА**

## СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун кенг шароитлар яратилмоқда. Жумладан, сўнгги уч йилда 118 та спорт мажмуаси, маҳаллаларда 7 мингта спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда 3 минг 500 та мини-футбол, 6 мингта баскетбол, волейбол, 663 та бадминтон майдони, мингдан ортиқ фитнес заллари мавжуд. Ҳар бир туман ва шаҳар марказларида “Саломатлик йўлаклари” ва велосипед йўллари ташкил этилди.

Тараққиёт стратегиямизда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини кейинги беш йилда 33 фоизга етказиш мақсади белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 февралдаги фармон ва қарорига биноан, Спортни ривожлантириш вазирлиги ташкил этилган эди. Унинг энг муҳим вазифаларидан бири болалар ва ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришдир.

Йиғилишда шу йўналишдаги режалар тақдимот қилинди.

Спортни ривожлантириш вазирлигига маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан бирга йил давомида 6 миллион нафар ўғил-қизни оммавий спорт тадбирларига қамраб олиш вазифаси қўйилди.

Бунинг учун 10 апрелдан бошлаб, маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларидан иборат оммавий спорт тадбирлари ўтказилади. Уларни ташкил этиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ҳар бир вилоятга 100 миллион сўмгача, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш учун 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Энг яхши натижа кўрсатган ёшлар туман ва шаҳар, вилоят ҳамда миллий терма жамоалар таркибига саралаб олинади.

Маҳаллаларда спорт инфратузилмасини яхшилаш, лойиҳалар қийматини мақбуллаштириб, майдончалар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Оммавий спорт тадбирларида ёшларнинг иштироки бўйича маҳаллалар рейтингини ишлаб чиқиш, “қониқарсиз” деб топилган жойларга таниқли мураббий ва спортчиларни бириктириб, спортни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Олимпия ва паралимпия ўйинлари, халқаро мусобақалар ғолиблари билан маҳалла ёшлари ўртасида мотивацион учрашувлар ўтказиш муҳимлиги айтилди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, оммавий спортни янада ривожлантириш, жорий йил Ханчжоуда ўтадиган Осиё ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш, спорт мураббийлари тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қарорлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, шу йил 14 март куни бокс бўйича Баҳодир Жалолов, гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактабларини ташкил этишга доир Президент қарорлари қабул қилинган эди. Йиғилишда шу борада амалга ошириладиган ишлар ҳам тақдимот қилинди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Навоий вилоятида юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўша оладиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Навоий давлат кончилик институти **Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети** (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

**саноат, техника-технология, муҳандислик соҳалари** учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ветеринария ва чорвачилик соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолияти кўламини кенгайтириш, халқаро нуфузини ошириш, илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти негизида **Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети**ни (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-, 3-бетларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган стратегик вазифаларга мувофиқ Самарқанд давлат тиббиёт институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, шунингдек, ҳудуд аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кузатув кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Самарқанд давлат тиббиёт институтини **Самарқанд давлат тиббиёт университети** (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этиш;

б) Университет таркибида қуйидагиларни ташкил этиш:

Давоми 3-бетда

МУБОРАК ОЙ

## РАМАЗОН

### ҚАЛБЛАР УЙҒОНИШИ, ЯШАШГА, ЯНГИЛАНИШГА, ЭЗГУ АМАЛЛАР ҚИЛИШГА ИШТИЁҚ ОРТИШИ ФУРСАТИ

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

**Ўлкамизга ойларнинг султони, Аллоҳнинг муборак китоби — Қуръони карим нозил бўлган ой моҳи шарифи Рамазон ташриф буюрди. Бу ой Қуръон, тақво, барака, раҳмат, мағфират, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш, жаннатга эришиш ва дўзахдан озод бўлиш ойидир. Шу боис, бутун дунё мусулмонлари бу табаррук ойни солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги йўлидаги ибодатлар ойига айлантиради.**

### Тинчлик бўлмаса, тўй татимайди

Рамазон ойи гуноҳлардан ювилиб, дўзахдан паноҳ бўладиган ой. Ҳақ таоло барчамизни мана шундай муборак ойга насиб этиб турибди. Расулимиз алайҳиссалом марҳамат қилиб айтадиларки: **“Рамазон ойи кирганда жаннат эшиклари очилади, жаҳаннамга қулф солинади ва шайтонлар кишанланади”** (Имом Бухорий). Шу боис, ҳар йили юртдошларимиз ушбу ойни кўтаринки кайфият, ўзгача шукуҳ, алоҳида тайёргарлик ва катта хурсандлик ила кутиб олади.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан **қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш**, шунингдек, **таълим жараёнига** илғор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, **илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш**;

замонавий ўқув ва **илмий лаборатория базасини шакллантириш**, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши учун **янги ишланмаларни яратиш,** талабаларга таълим жараёнида илмий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш;

**саноат ташкилотларининг муаммоларини ечишга қаратилган** илмий, амалий ва инновацион **тадқиқотларни ривожлантириш,** тадқиқот натижалари ва илғор технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

**таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш**, республика ва етакчи хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

ўқув жараёнига **халқаро таълим стандартларини жорий этиш**, талабалар назарий билимларининг ишлаб чиқариш **амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш**, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

**талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш**, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

ўқув жараёнини **талабаларда мустақил таълим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш**;

**илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш**, жумладан, профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Университет ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиали негизида — **Нукус кончилик институти**;

б) **“Навоий” илмий-технология саноат парки**;

в) 2022/2023 ўқув йилида:

Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми негизида — **Кармана политехника техникуми**;

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси тизимидаги Нурота саноат-кончилик коллежи негизида — **Ғозғон политехника техникуми.**

Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги **Учқудуқ саноат техникуми** ва **Зарафшон саноат техникуми** Университет ҳузурига ўтказилсин.

4. **Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши** (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (Қ.С. Санақулов):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган **ривожлантириш дастурини**, молиявий йил учун мўлжалланган **бизнес-режасини,** даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Университетда **таълим жараёнининг амалиёт билан уйғунлигини**, хусусан, талабаларнинг ўқув жараёнида олган назарий билимлари ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқлигини **таъминлаш**;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ **илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш**;

Университетнинг таълим ва тадқиқот жараёнларига **малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш**, шунингдек, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқалар ўрнатиш;

Университетнинг илмий-тадқиқот ва **ишланмалар трансфери** жараёнларини ривожлантириш ҳамда **илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлигини** ўрнатиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига **инвестицияларни жалб этиш, илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш**, стартаплар ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этилган **хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини** бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда, ўқув режаларидаги **назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш**, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш;

Университет **ректори ва проректорларини лавозимга тайинлаш** ва лавозимидан озод этиш бўйича тақдимнома киритиш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари **тузилмаларини тасдиқлаш**;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган **янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини** жорий этиш.

5. Белгилансинки:

Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институтига талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

Навоий давлат кончилик институти ва унинг Нукус филиали талабалари ўқишини тегишлилиги бўйича Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институтида давом эттиради;

Университет ҳузуридаги **техникумларда саноат, кончилик, металлургия, машинасозлик, қурилиш, энергетика, электротехника, хизмат кўрсатиш** каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилик коллежида таълим олаётган ўқувчилар ўқишни битиргунларига қадар мазкур таълим муассасаларида амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқишини давом эттиради;

Университет, унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институти, Кармана ва Ғозғон политехника техникумлари тегишлича Навоий давлат кончилик институти, унинг Нукус филиали, Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилик коллежининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Қуйидагилар:

**Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети фаолиятини йўлга қўйиш ва уни 2026 йилга қадар комплекс ривожлантириш дастури** 2-иловага мувофиқ;

**Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 3-иловага мувофиқ;

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида ташкил этиладиган **бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати** 4-иловага мувофиқ;

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини **амалиёт ўташ объектлари бўйича илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларга бириктириш жадвали** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингида олий таълим муассасалари орасида **биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича **маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш**, шунингдек, тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш учун **илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш**;

**таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш** ҳамда уларга Бошқарув кенгаши томонидан белгиланган миқдорда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ва бошқа тўловларни тўлаш;

**профессор-ўқитувчиларни** ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва “устоз-шогирд” тизими бўйича **бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш**.

8. Белгилансинки, Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, грантлар ва ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасининг:

Университетда таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ҳамда Университет ҳузуридаги **“Навоий” илмий-технология саноат паркини жойлаштириш** мақсадида “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси автотаъмирлаш цехи 2-корпус **биносини жиҳозлари билан биргаликда Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш;**

ўз маблағлари ҳисобидан Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, профессор-ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ, “Навоийуран” ДК ва ҳудуддаги бошқа саноат корхоналари билан биргаликда:

Университетнинг бакалавриат босқичи юқори курс талабаларини ва магистрантларини **иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш**, жумладан, уларга амалиёт ўташ даврида ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш;

Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига ишлаб чиқариш **корхоналарида стажировка ўташ ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун шароит яратиш** чораларини кўрсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2022/2023 ўқув йилига қадар:

Университетни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида **катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар**, устувор равишда, **илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш** чорасини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларини мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга **йирик хўжалик юритувчи субъектлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича “йўл харитаси”**ни тасдиқласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Университетни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда зарур телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийазот” АЖ, “Навоийуран” ДК билан биргаликда:

2022/2023 ўқув йилига қадар Университет ҳузуридаги “Навоий” илмий-технология **саноат паркини замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозласин** ва унинг фаолиятини йўлга қўйсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ҳузуридаги “Навоий” илмий-технология **саноат паркида етакчи чет эл тадқиқот марказлари ва малакали хорижий олимлар иштирокида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни** йўлга қўйсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида** 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари ва 2023 йилдан бошлаб таянч докторантурада **кадрларни мақсадли тайёрлаш** чораларини кўрсин;

г) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Университетда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда техника йўналиши бўйича **қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин**;

д) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Университет фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари, донорлар ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) ҳар йилги инвестиция дастурига киритиш учун Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институти бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар тақдим этиб борсин.

12. Навоий вилояти ҳокимлиги Университетга ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур ер майдонларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

13. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус темир йўл транспорти коллежи биносини Университет ҳузуридаги Нукус кончилик институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш ҳамда уни мазкур коллеж бино ва иншоотларига бепул жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х.Тошкулов, “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ бошқарув раиси — бош директори Қ.С. Санақулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиқтисодиёт тармоқлари учун **олий маълумотли кадрларни тайёрлаш**;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда **соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш**;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, **ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш**, ветеринария клиникаси, ўқув ва илмий лаборатория, ўқув-тажриба хўжалиги, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича **узлуксиз таълим тизимини яратиш**;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) **магистратура** ва **докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш**;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

соҳадаги илмий-тадқиқот институтларининг етакчи олимларини Университетда таҳсил олаётган иқтидорли талабаларга бириктирган ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;

Университетнинг юқори босқич талабалари ҳамда илмий изланувчиларининг илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида фаолият юритиши учун шароит яратиш;

тасарруфидаги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Самарқанд ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (Б. Норқобилов):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режаси, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастури, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

ветеринария ва чорвачилик йўналишида таълим, тадқиқот ва илмий ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш;

илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартаплар ва акселератор фаолиятини йўлга қўйиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **шартнома асосида малакали мутахассислар жалб қилиш**;

Университет ҳузурида фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан ва унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган таркибий тузилмалар, тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун **таълим давомийлиги муддатларини белгилаш**;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

4. Белгилансинки:

Университет ветеринария медицинаси, ветеринария ва санитария экспертизаси, ветеринария диагностикаси ва лаборатория ишлари, ветеринария фармацевтикаси, зооинженерия, ветеринария биотехнологияси, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси йўналишларида кадрлар тайёрловчи **таянч давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади**;

Университет Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида фаолият юритади;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти талабалари Университетда ўқишини давом эттиради ва битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги Университет дипломи берилади;

Университетга талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

Университет Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

5. Ветеринария соҳасида таълим жараёнларининг бевосита амалиёт билан уйғунликда ташкил этилишини, илм-фан ва технологиялар интеграциясини таъминлаш мақсадида Университет ҳузурида хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи **Ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки** (кейинги ўринларда — Технопарк) ташкил этилсин.

Университет Технопарк таркибида қуйидаги таркибий бўлинмаларни ташкил этишни назарда тутсин:

Ветеринария лаборатория-диагностика ва профилактика-даволаш **клиникаси**;

Сунъий уруғлантириш ва наслчилик-селекция **маркази**;

чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонида парваришланаётган ҳайвонлар учун озуқа етиштириш, жамғариш ва тайёрлаш бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатадиган **маслаҳат маркази**.

Технопаркка ветеринария лаборатория-диагностика ишларини олиб бориш ҳамда ветеринария препаратларини, шу жумладан, ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар ва зоогигиена воситаларини реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Университетга соҳада **5 йиллик стажга эга** бўлган ходимлар тавсиянома асосида ўқишга тавсия этилганда, тўлов-контракт миқдорини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендиясиз) миқдорига тенглаштириш;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти” Миллий тадқиқот университети қошидаги Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида 2022/2023 ўқув йилидан бакалавриатнинг кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича **“Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси”** таълим йўналишида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Қамаши хизмат кўрсатиш техникуми негизида Университетнинг **Қамаши ветеринария медицинаси техникуми**ни ташкил этиш. Бунда, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ мазкур техникумнинг мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳаларини **2023-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин**.

7. Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг фойдаланмай келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **2-иловага** мувофиқ жами **27,4 гектар, шундан 16,8 гектар суғориладиган** ер участкаларининг ер фонди тоифаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлигининг хулосасига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ушбу бандга мувофиқ ер фонди тоифаси ўзгартирилган ер участкаси белгиланган тартибда захирага олинишини, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминласин.

Мазкур бандга мувофиқ захирага олинган ер участкаларини сотишдан тушган маблағлар (Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган харажатлар чегириб қолинган ҳолда), истисно тариқасида, Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг махсус ҳисоб-рақамига йўналтирилсин.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ер участкасини сотишдан Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасига тушган маблағларни Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳудудида ветеринария лабораторияси, ветеринария клиникаси ва диагностик маркази, виварий, ёш олимлар учун ётоқхона ҳамда ишлаб чиқариш цехини қуриш ва жиҳозлаш учун мақсадли йўналтирсин.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-, 2-бетларда

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ветеринария** ва **биотехнология** йўналишлари бўйича **нуфузли хорижий олий таълим муассасаларида** бакалавриат, магистратура ва докторантура таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш учун “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиялари ҳисобидан ҳар йили **алоҳида квота ажратилишини таъминласин**.

Бунда, таълим дастури якуни бўйича талабаларнинг камида **3 йил давомида** Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларида ишлаб бериш шарти назарда тутилади.

9. Қуйидагилар:

2022-2026 йилларда **Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетини ҳамда тизимда фаолият юритаётган профессионал таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтларини** комплекс ривожлантириш дастури **3-иловага** мувофиқ;

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг **халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 4-иловага** мувофиқ;

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг мутахассислик кафедраларини илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхона ва ташкилотларга бириктириш жадвали **5-иловага** мувофиқ;

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати **6-иловага** мувофиқ;

2023-2026 йилларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимида фаолият юритаётган олий ва профессионал таълим ҳамда илмий-тадқиқот институтлари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг манзилли рўйхати **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

10. **2022 йил 1 майдан бошлаб** Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг илмий ходимлари (катта ва кичик илмий ходим) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

11. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг Тошкент ва Нукус филиаллари тегишли равишда **Университетнинг Тошкент ва Нукус** филиаллари деб қайта номлансин.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг академик лицейи ва **Самарқанд**, **Ургут**, **Нукус**, **Андижон** ветеринария медицинаси техникумлари Университет таркибига ўтказилсин.

12. Белгилансинки, Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

13. Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети фаолиятини **ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг молиявий манбалари этиб белгилансин:

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг ажратмалари;

Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармасининг ажратмалари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ветеринария ва чорвачилик ҳамда бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

14. Белгилансинки, Университет Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан ўзаро ҳамкорликда:

магистрларни профессор ва илмий ходимларга бириктирган ҳолда, “**фан — таълим — ишлаб чиқариш**” тамойили асосида кадрлар тайёрлашнинг кластер тизимини, шунингдек, докторантларнинг бевосита илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларида илмий иш олиб боришини йўлга қўяди;

минтақада ветеринария, чорвачилик, биотехнология ва агротехнология соҳаларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фундаментал, илмий-тадқиқот институтлари билан фундаментал, илмий-амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб боради ҳамда маҳаллий ва халқаро грант маблағларини жалб этади.

15. Бошқарув кенгаши (Б.Норқобилов):

а) икки ой муддатда:

Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида уларни қайтадан ташкил этсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ва Университет профессор-ўқитувчиларининг хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш чораларини кўрсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб ветеринария ва чорвачилик йўналишлари бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олийгоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ҳамда кенг кўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

16. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Ғаниев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти саломатликни тиклаш шифохонаси негизида Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтини**;

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи ва иккинчи клиникалари негизида **Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси** ва **Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасини** (кейинги ўринларда — Университет клиникалари);

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиали ва унинг клиникаси негизида Университет ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги **Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти ва унинг клиникасини**;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини**;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий марказини**.

2. Университетнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш;

Университет илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда тиббиёт соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш;

Университет моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Самарқанд вилояти ҳамда қўшни ҳудудлар соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларини ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, уларни ваколати доирасида бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

б) Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабалар Университетда мос бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида **ўқишини давом эттиради** ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда давлат намунасидаги **Университет дипломи берилади**;

в) Университет клиникалари, академик лицейи, Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Университет таркибий тузилмалари) **муассиси Университет ҳисобланади ва уларнинг фаолияти Университет томонидан мувофиқлаштирилади**;

г) Университет таркибий тузилмалари **давлат муассасалари** ҳисобланади ва шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

д) Университетнинг **таркибий тузилмалари раҳбарлари** Университет Кенгашининг тақдимномасига кўра **соғлиқни сақлаш вазири** томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

е) Самарқанд вилояти Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги **техникумлари** ва тиббиёт **коллежлари** (кейинги ўринларда — техникумлар ва коллежлар) Университетга бириктирилади.

Бунда, Университет:

техникумлар ва коллежлардаги **таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб**, уларда зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратади ва ўқув жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этиб боради;

техникумлар ва коллежларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга **илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади**;

клиникалари техникумлар ва коллежлар учун **клиник база** бўлиб хизмат қилади;

кафедралари ўз йўналишида техникумлар ва коллежларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, **ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради**.

4. Қуйидагилар:

**2022-2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетини комплекс ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ;

**Самарқанд давлат тиббиёт университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 2-иловага мувофиқ;

**Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедраларини Самарқанд вилояти туман (шаҳар)ларига бириктириш рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. **Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин**:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда, академик лицейнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, унинг **тузилмасини**, **ўқув режалари** ва **дастурларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, **қабул параметрлари** ва **таълим йўналишларини** белгилаш;

Университетда бакалавриатнинг битирувчи босқич талабалари учун соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғин муассасалари (кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари) ҳамда клиник базаларда **6 ойлик малакавий амалиёт кўринишидаги субординатурани жорий этиш**;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Университет профессор-ўқитувчиларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Scopus, Web of Science ва бошқалар) томонидан эътироф этилган юқори рейтингли журналларда **илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини қоплаш.**

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар **Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан қопланади.

6. **Университет клиникаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин**:

Университет ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда клиникаларнинг умумий ўринлар сони ҳамда амалдаги штат бирликлари доирасида **штатлар жадвалини** қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

**пуллик хизматлар кўрсатиш бўлинмаларини** ташкил этиш;

пуллик малака ошириш цикллари ва замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича **маҳорат дарсларини** ташкил этиш;

тиббий хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида ходимларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш** ва **моддий рағбатлантириш** миқдорларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб мустақил равишда белгилаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

**Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси** 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ—5199-сон қарорида белгиланган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш **тартиби ва молиялаштириш механизми** асосида фаолият юритади;

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали янги бинога кўчирилиши муносабати билан ушбу филиалнинг бўшайдиган Самарқанд шаҳар, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган биноси **Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилади** ҳамда мазкур бинода **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази**, шунингдек, **Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази** текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Я.Хайдаров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О.Турдимов) билан биргаликда 2024-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида:

Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази жойлаштирилаётган Самарқанд шаҳри, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилидаги бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун;

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси ҳудудида ихтисослаштирилган эндоскопик консультатив-диагностик ва даволаш бўлимини ташкил этиш, тегишли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда замонавий эндоскопик диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Қуйидагилар:

а) **Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) **Университет клиникалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин**:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университет клиникаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) **Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Л.М.Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти** фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

мазкур институтларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази** фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О.Турдимов) **Университет ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари** иштирокида **ҳудуд аҳолисининг** саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича **бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида** (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ҳамда барча **қишлоқ ва маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда хизмат кўрсатилишини таъминласин**. Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратсин:

аҳолининг саломатлик ҳолатини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганган ҳолда аҳолини хавф гуруҳларига таснифлаш;

хавф гуруҳларига кўра, уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўрик ва назоратни амалга ошириш, соғломлаштириш ва реабилитациянинг индивидуал чораларини белгилаш;

аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган касалликларни эрта аниқлаш чораларини кўриш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик ҳолати ва касалланиш даражасидан келиб чиқиб, махсус электрон дастур асосида **“Саломатлик профили”**ни яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда **“Саломатлик мактаби”** фаолиятини йўлга қўйиш, нафақадаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, зиёлилар ҳамда ёшлардан иборат волонтёрлик жамиятларини тузиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникада **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”** хоналарини ташкил қилиш, махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, индивидуал маслаҳат бериш тизимини жорий қилиш;

барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор олди кўриклари орқали ўрта тиббиёт ходимлари томонидан энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, аҳолини антропометрик ўлчовлардан ўтказиш, 5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторингини олиб бориш каби вазифаларнинг мустақил бажарилишини таъминлаш;

юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тиббиёт бригадаси вакилларининг амалий ва назарий билимларини ошириш;

аҳоли орасида тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жисмоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибини тўғри ташкиллаштириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тарғиботнинг замонавий услубларини (акция, спорт мусобақалари, танлов, флешмоб) амалиётга жорий қилиш ва оммалаштириш чораларини кўриш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш.Иноятов) **2022 йил 1 декабрга** қадар Самарқанд вилояти тажрибасининг натижаларидан келиб чиқиб, уни бошқа **тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин**.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О.Турдимов, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошкулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 апрель

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

МУБОРАК ОЙ

# РАМАЗОН

## ҚАЛБЛАР УЙҒОНИШИ, ЯШАШГА, ЯНГИЛАНИШГА, ЭЗГУ АМАЛЛАР ҚИЛИШГА ИШТИЁҚ ОРТИШИ ФУРСАТИ

**Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий**



Бошланиши 1-бетда

Аллоҳга шукрки, масжидларда мўмин-мусулмонлар билан таровеҳ намозларини адо этамиз, хатми Қуръон ўқиймиз, юртимизга қут-барака ёғилишини Ҳақ таолодан сўраймиз. Бу йил юртимиздаги 1520 дан ортиқ масжидда хатми Қуръон қилинади, иншааллоҳ.

Мамлакатимизда бунинг учун барча шароитлар яратилган, имкониятлар етарли. Энг муҳими, икки бебаҳо неъмат ҳаётимизни, турмушимизни файзиёб қилиб турибди. Булар — юртимиз тинчлиги ва халқимиз саломатлиги. Расулимиз Муҳаммад (с.а.в) **“Икки неъмат борки, кўпчилик унинг қадрига етмайди. Булар сиҳат-саломатлик ва тинчлик-хотиржамликдир”**, дедилар.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида мувозанат бузилган: уруш, турли ихтилоф ва жанжаллар минглаб, миллионлаб одамларнинг ҳаётига хавф солиб турибди. Очлик, сарсон-саргардонлик тинкасини қуритаётган миллатлар, элатлар борлигини, афсуски, инкор эта олмаймиз. Дунё синовли кунларда яшаётган бир даврда Аллоҳ томонидан берилган неъматларни асраб-авайлаш олий бурчимиздир. Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Юртимиз тинч, тану қалбимиз саломат бўлса, турмушимизда фаровонлик, тўкинлик акс этади, ибодатларимизни тўла-тўкис адо этамиз.

Тинчлик бўлмаса, тўй татимайди, дейди доно халқимиз. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Рамазон рўзасини тутиш, ибодатларда собит бўлиш учун давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Рамазон ойининг айни уйғониш мавсумидаги ташрифи қалбларимизга илиқлик бағишлайди. Кўклам ёмғирга сероб бўлди. Она замин оби раҳматга тўйинди. Бу халқимиз дастурхонига тўкинлик, ҳаётига файз киритади. Табиатга ҳамоҳанг рўзадор қалблар ҳам қайта уйғонади. Яшашга, янгиланишга, эзгу амаллар қилишга иштиёқимиз ортади.

Рамазон фазилати ҳақида Салмон (розияллоҳу анҳу) қилган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **“У аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзахдан озод бўлиш фурсати бўлган ойдир”**, деганлар.

### Диний-маърифий ислоҳотлар самараси

Куни кеча Президентимизнинг **“Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”**ги қарори эълон қилинди. Унда Рамазон ойида халқимизга хос меҳр-оқибат ва шукроналик туйғуларини юксалтириш, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу қаратилгани барча мўмин-мусулмонларни мамнун этди.

Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой очаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда.

Юртимиз бўйлаб қад ростлаган, муҳташам қиёфа касб этган масжидлар сони 2100 дан ошди. Сўнгги 5 йилнинг ўзида 70 га яқин янги масжид очилди, 200 дан зиёди қайта бунёд этилди. Бундай ишлар жадал давом этмоқда.

Охирги йилларда 3 та диний таълим муассасаси — Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда Ҳадис илми олий мактаби ва Сурхондарёда Имом Термизий мадрасаси таъсис этилди, қабул квоталари бир неча баробар оширилди. Шунингдек, умра зиёрати бўйича ҳам катта натижаларга эришилди.

Пандемия туфайли умра зиёратига ҳам бир қатор чекловлар ўрнатилган эди. Жорий йил бошида яна йўллар очилиб, навбатда турган 23 минг юртдошимиз шу кунгача муборак сафарни адо этди. Яна бир ойдан зиёд вақт давомида 13 минг юртдошимиз Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилади.

Бир пайтлар Саудия Арабистонидаги меҳмонхоналарга ҳавас билан боқардик. Қачонлардир халқимиз ҳам мана шундай жойларда яшаб, ибодат қилиши мумкинлиги кимнинг хаёлига келибди дейсиз?! Аллоҳга шукр, бугунги ислоҳотлар самараси билан юртимиздан борган зиёратчилар беш юлдузли замонавий меҳмонхоналарга жойлаштирилмоқда. Мадина ва Макка шаҳарларида зиёратчилар учун шароитларни ҳозирлаш, Икки Ҳарам масжидига яқин меҳмонхоналарни танлаш, замонавий транспорт ва бошқа хизматлар сифатини ошириш каби ишлар амалга оширилди. Юртдошларимизнинг саломатлиги тиббиёт мутахассисларининг доимий эътиборида.

Бугун динимиз таълимотларини илмий ўрганиш ва кенгараннум этишга ҳар қачонгидан кенг эътибор қаратилмоқда. Бу борада Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, турли ҳудудларда Ҳадис, Калом, Ақида, Тасаввуф, Фиқҳ илмий мактаблари иш олиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад — она Ватанимизни янада обод этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни асраш ва ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш. Мухтасар айтганда, барча соҳа ва йўналишлардаги ишлар “Инсон қадри учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишни кўзда тутади.

### Хайр-саховат ойи

Моҳи Рамазонда адо этиладиган солиҳ амаллар эвазига мўмин-мусулмонлар жуда катта ажр-савобларга эришади. Рамазон ойида Аллоҳ таоло фарз қилган рўза тутилади, масжидларда таровеҳ намозлари адо этилади, хатми Қуръон ўқилади.

**Рамазон — Қуръон ойи.** Аллоҳ таолонинг каломи айнан шу ойда нозил бўлган. Ҳақ таоло бундай дейди: **“Рамазон ойи — одамлар учун ҳидоят манбаи ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир”** (Бақара сураси, 185).

Тафсир китобларида келишича, Қуръони карим Рамазон ойининг Қадр кечасида Лавҳи маҳфуздан дунё осмонига туширилган. Сўнгра йигирма уч йил давомида воқеа-ҳодисалар ривожига мувофиқ равишда бўлиб-бўлиб Пайғамбаримизга индирилган.

**Рамазон — хайр-саховат ойи.** Пайғамбаримиз бу ойда бошқа ойларга қараганда янада сахийроқ бўлиб кетардилар.

Рамазон инсонларни ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга, кексалар ва беморлар, яқинлар ҳолидан хабар олишга, муҳтожларга хайр-саховат қилишга чақиради. Шу орқали шахсда меҳрибонлик, хокисорлик, бағрикенглик фазилатларини тарбиялайди. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: **“...Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир”** (“Саба” сураси, 39-оят). Бинобарин, карамли инсон ҳеч қачон зиён кўрмайди, мол хайр-эҳсон қилиш билан камаймайди, балки савоб кўпаяди, Рамазон баракотидан исломий шахсият тўкис бўлади.



Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтадилар: **“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Ул зотнинг саховатлари Рамазон ойида — ҳар кеча Жаброил (алайҳиссалом) Ул зотга Қуръонни таълим бериш учун ҳузурларига ташриф буюрадиган пайтларда, айниқса, чўққисига чиқарди. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одамларга яхшилик билан мурувват кўрсатишда шиддат билан эсаётган шамолдан-да учқуррок эдилар”** (Имом Бухорий).

Шунинг учун ҳам қадимдан мусулмонлар Рамазон кирганда ҳар галгидан саховатлироқ бўлишга одатланган. Давлатманд кишилар закотларини айнан Рамазонда адо этиши ҳам шундан. Бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлиб, мўминлар қалбига хурсандлик ва шодлик кирсин учун одамлар алоҳида Рамазонга хос хайру эҳсони билан бир қаторда закотини ҳам шу ойда чиқаради.

### Рамазон — руҳ, қалб ва тан саломатлигини тиклаш учун бир имконият

Рамазон рўзаси шарофати билан руҳ, қалб ва тан нафсоний ҳавaслардан тийилади, тартибга келади. Инсоният диний амалларда собит туриб, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга, хайр-саховат улашишга, яхшиликлар қилишга интилади.

**Руҳ тарбияси**. Руҳ инсоннинг ҳаётий асоси, қувват манбаи. Шунинг учун инсон ўз умри давомида руҳий тарбияга мунтазам эҳтиёж сезади. Руҳан соғлом ва баркамол шахсгина кўзлаган манзилларига эриша олади, камолот касб этади. Рамазон ойида тоат-ибодатни, зикр ва истиғфорни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириш руҳ ва қалбни поклаб, юксалтиради. Бу ойдаги барча хайрли амаллар, рўза ва ибодатлар руҳий комилликка хизмат қилади.

**Нафс тарбияси**. Нафс дунёвий неъматлардан баҳрамандликка интилиш бўлиб, унинг салбий жиҳатлари, оқибатлари сероб. Шунинг учун нафс ҳамиша тарбияга муҳтож. Рамазон ойи нафсни тарбиялашда ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, нафс тарбияси мўминнинг бирламчи вазифаси саналади. Ҳамма раҳмат ва неъматлар нафсни жиловлаш, унга ҳукмронлик қилиш ортидангина ёғилади. Нафсга эргашиш эса ёмонликларнинг пойдеворидир. Тарбия илмининг барча уламолари жамики яхшиликларнинг асоси нафсни тарбия қилиш, ёмонликларнинг асоси эса унга тобе бўлишда эканини таъкидлаб келади. Нафсига эргашмай, уни тарбиялаган киши ютуққа, муваффақиятга етишади. Нафсга фақат гумроҳ, ғофил кимсаларгина эргашади ва руҳий-маънавий тубанлашиб, ҳалокатга юз тутади. Улуғ мутасаввуф Аҳмад Яссавий ҳам бежиз:

***Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,***
***Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,***
***Улар вақтда имонингдан жудо қилғай,***
***Оқил эрсанг нафси баддин бўлгин безор,*** дея уқтирмайди.

Инсон тирик экан, нафс унинг доимий ҳамроҳи, эҳтиёжи, талаби. Шу боис, нафс тарбияси кундалик заруратдир. Киши ўз нафси билан ҳар куни, ҳар кеча шуғулланиши керак. Рамазон ойи ҳам нафсни жиловлаш, бўйсундириш учун энг қулай фурсат ва имкониятдир. Рўза тутган инсон доимо Аллоҳ таолонинг кузатувида эканини ҳис қилади ва ўзи ёлғиз қолганида ҳам рўзасини очишга журъат этмайди.

**Ирода тарбияси.** Рамазон рўзаси шахсни иродали қилиб тарбиялайди. Ирода қувватидан нафсга бўйсунилмайди, адолатсизлик қилинмайди, Аллоҳ розилиги йўлида рағбатлардан четлашилади. Тонг отгандан қуёш ботгунига қадар емоқ-ичмоқ ва нафсоний ҳавaслардан тийиладиган киши, заифлашмайдиган иродали, азми-қарори қатъий, қалби пок ва бақувват инсонга айланади. Чунки у ҳеч кимнинг олдида заифлашмайди, барқарор ривожланади. Агар инсон рўза мактаби ахлоқларидан бўлган шу олиймақом хулқни шакллантира олса, икки дунёда ҳам азиз ва мукаррамлардан бўлади.

**Сабр тарбияси.** Сабр соҳибини юксакларга кўтарадиган, унга нусратни нақд қиладиган гўзал хулқлардандир. Ҳадиси шарифларда келишича, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Билингки, нусрат сабр биландир, кушойиш машаққат биландир ва албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”, “Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”, “Ҳар бир сабр ортидан ажру мукофот бордир”,** дея таълимот берадилар. Инсон ўз сабр-қаноати билан дунё машаққатларини енгиб ўтишга қодир. Рамазон рўзасида енгилтаклик ва бесабрлик тарбияланади, очликда, ғазаб келганда тийилиш орқали инсоннинг сабри янада мустаҳкамланади.

**Хушфеъллик, хушмуомалалик тарбияси.** Хушфеъллик, ширин муомала ҳар қандай муаммо-азиятга гўзал ечим беради, қалбларни туташтиради, яхшиликка ундайди. Шу боис, Рамазон ойи инсониятни янада хушфеъл, хушмуомала, ширин сўзли бўлишга чақиради. Саҳиҳ ҳадиси шарифда бундай марҳамат қилинади: **“Рўза қалқондир. Бирингиз рўза тутса жанжаллашмасин, бақир-чақир, фисқу фужур қилмасин. Агар уни бирортаси ҳақоратласа, мен рўзадорман, десин”.** Ҳа, инсондаги қанчадан- қанча хунук сўз, ҳақорат қилиш, тили ўткирлигига рўза бир сўз билан қатъий жавоб қайтаради.

### Дуолар қилайлик...

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадиси шарифида рўзадорнинг сифатлари зикр этилиб, **рўзадорнинг дуоси мақбулдир, дейилди**. Чунки инсон Аллоҳ таоло учун нафсининг орзуларини тарк этгани боисидан дуоси ижобат бўлади. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ ойда чин қалбдан, ич-ичдан, дунё ва охират саодатини астойдил сўраб дуолар қилишимиз керак.

Рамазон ойининг ҳар кунида қабул бўладиган бир дуо бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб дедилар: **“Албатта, Рамазоннинг ҳар кунида барча мусулмонлар учун қабул бўладиган бир дуо бор”** (Имом Аҳмад).

Биз Парвардигори оламнинг раҳмат ва мағфирати жўш уриб, Ер юзига илоҳий нурлар ёғиладиган ойда турибмиз. Ушбу ойни ғанимат билиб, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги ва ризқимиз тўкинлигини Аллоҳ таолодан сўрайлик.

Рамазони шариф ҳар бир хонадонга, жонажон юртимизга қут-барака, соғлиқ-омонлик ва бахту саодат ҳамда файзу футуҳ олиб келсин!

Барчамизга фазилатли Рамазон ойи муборак бўлсин!

МУНОСАБАТ

# БАНДЛИК ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧ ЭМАС, ХАЛҚИМИЗНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИДИР

**Шу йил 31 март куни Президентимиз раислигида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ушбу йўналишдаги қатор долзарб, хусусан, бозорларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарорлигига эришиш, тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга оид устувор вазифалар белгиланди.**

**Даврон АБДУВАҲОБОВ, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси:**



— Видеоселектор йиғилишида тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш юзасидан зарур топшириқлар берилди. Тадбиркорларга қўшимча қулайликлар тақдим этилди.

Жумладан, тадбиркор ва экспортёрларга йил охиригача қўшимча айланма маблағ учун 10 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Солиқ маъмурчилигининг айрим талаблари бўйича таъсир чораларини йил якунига қадар қўлламасликка қарор қилинди. Яъни 2022 йил 1 мартдан бошлаб Россия, Украина ва Беларусга экспорт фаолияти билан шуғулланган тадбиркорларнинг кредитлари мазкур ҳудудлардаги жорий қийин вазият сабаб йилнинг охиригача узайтирилади ҳамда улардан жарима ва пенялар ундирилмайди.

Давлатимиз раҳбари Япония, Корея Республикаси, Туркия, Европа давлатларига бориб, у ердаги брендлар билан ишлаш занжирини яратиш бўйича ҳам топшириқ берди. Хусусан, элчихоналаримиз билан биргаликда мазкур давлатларда тадбиркорларимиз учун учрашувлар ташкил этиш, шу орқали экспорт географиясини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

**Ғофуржон МИРЗАЕВ, Сирдарё вилояти ҳокими:**



— Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳудуд ва тармоқ раҳбарларига 4 та устувор йўналиш бўйича зарур вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Сирдарё вилоятида йил бошидан бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бугунги кунда картошка, сабзи, пиёз, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли захираси яратилган.

Бу йил вилоят бўйича 209 минг фуқаронинг бандлигини таъминлашни режалаштирганмиз ва аниқ ҳисоб-китобларимиз бор. Айни пайтда мазкур режага мувофиқ, янги иш ўринлари яратиш ва ишсиз юртдошларимиз бандлигини таъминлаш бўйича амалий ишлар бошланган.

Тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлашда ҳам вилоятимизда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, уларнинг вилоят миқёсида ҳал этиладиган масалалари бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Лекин республика даражасида ҳал этиладиган бир қатор муаммолар борки, булар хусусида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мурожаат қилганмиз. Ҳозир республика ишчи гуруҳлари ушбу мурожаатлар бўйича вилоятимизда ҳар бир тадбиркор кесимида ишлаяпти.

Давлатимиз раҳбари томонидан мигрантларни, уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур вазифалар белгилаб берилган. Шу кунгача вилоятимизга қарийб 2 минг меҳнат мигранти қайтиб келган. Уларнинг лаёқати, эҳтиёжи ҳақида барча маълумотлар бор. Апрель-май ойларида яна кўплаб мигрантларимиз қайтиб келиши эҳтимоли бор. Уларни иш билан таъминлаш, оиласига кўмаклашиш бўйича аниқ ҳисоб-китобимиз ва шунга яраша имкониятимиз мавжуд.

Зеро, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганидек, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки халқимизнинг ижтимоий ҳимояси нуқтаи назаридан қараш керак.

**Шавкат АБДУРАЗЗОҚОВ, Наманган вилояти ҳокими:**



— Президентимизнинг топшириғига асосан, вилоятимизда ҳар чоршанба куни тадбиркорлар билан мулоқот ўтказилмоқда. Чорак бўйича барча иқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари бажарилишида ушбу мулоқотлар самарали восита бўлмоқда.

Бозорларимизда йил давомида, айниқса, Рамазон ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик кенгашлари ва маҳалла фаоллари иштирокида жамоатчилик назоратини ўрнатиш, айрим “тадбиркорлар” нархнавони сунъий ошириши олдини олиш муҳим вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбари йиғилишда бу борада муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Миграция масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Вилоятимиздан 67 минг фуқаро чет давлатларда меҳнат қилиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 17 минг нафари юртимизга қайтди. Уларнинг бандлиги таъминланди, айни пайтда ҳам муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш борасида ишлаш давом этмоқда. Энг муҳими, йил якунига қадар вилоятимиздаги 570 минг аҳолини доимий ва мавсумий ишлар билан таъминлаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни ижро этиш, айниқса, бозорларда нархнаво барқарорлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ишлари таҳлил қилиниб, аниқланган муаммоларни ечиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш, улар такрорланмаслиги учун олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш юзасидан вилоят, туман ва шаҳар секторлари раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юкланди.



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

# ТАФАККУР ВА ИДРОК

## ИНСОННИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ БУЮК КУЧ



**Абдухалил МАВРУЛОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор**

**Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тафаккур” деган сўз бор.**
**Унинг луғавий маъноси “фикр юритиш, ўйлаш, фикрлаш”, деган тушунчаларни беради. Бошқача айтганда, бу сўз объектив воқеликда тасаввур, тушунча ва муҳокаманинг фаол кўриниш жараёни, инсоннинг фикр юритиш ҳолати ҳисобланади.**
**Тафаккур, энг аввало, инсон ақлий фаолияти кўриниши, маънавий-ахлоқий сифатларининг амалда акс этишидир. Мазкур феномен ҳодиса орқали ҳар биримиз дунёни англаймиз, ўзимизга ва ўзгаларга баҳо берамиз, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар мазмун-моҳиятини тушунамиз. Тафаккур туфайлигина бизнинг жамият, инсонлараро муносабатларга берган баҳомиз объективлашади. Шунинг учун ҳам тафаккур объектив олам кўринишининг олий шакли сифатида эътироф этилади.**

Айни пайтда тафаккур инсон ҳиссиёти, руҳий олами билан ҳам бевосита боғлиқ. Демак, инсоннинг тафаккур қилиши бир томондан унинг ақл-идроки, билим савиясига бевосита боғлиқ бўлса, бошқа томондан, ҳар биримизнинг руҳий ҳолатимиз, ҳиссиётимиз, маънавий дунёмиз даражаси ҳам мазкур жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бизнинг умумлашган хулосаларимиз, уларнинг қай даражада аниқлиги, холислиги ҳам ана шуларга бевосита тегишли.

Хўш, нима учун биз бугун тафаккур, деб номланган ушбу тушунчага алоҳида диққатимизни қаратмоқдамиз, барпо этилаётган янги Ўзбекистон учун қай даражада аҳамияти бор? Унинг қатор сабаблари мавжуд бўлиб, айримлари, назаримизда, қуйидагилардан иборат:

**биринчидан,** биз бугун мамлакатимиз раҳбари таъкидлагани каби очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйганмиз. Мазкур мақсад эса **“Жамият — ислоҳотлар ташаббускори”,** деган эзгу ғоя доирасида амалга оширилади. Демак, ислоҳотлар энди, бир пайтлар бўлгани каби, алоҳида сиёсий партиялар, қайсидир йўлбошчиларнинг субъектив “ғоя”лари асосида эмас, аксинча, бутун жамият, унинг аъзолари ташаббуси натижасида содир бўлади.

Ҳар қандай ташаббус ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг учун юксак ақл-идрок, фаҳм-фаросат, қайноқ қалб зарур бўлади. Бошқача айтганда, инсон уйғониши лозим. **Хўш, жамият қачон уйғонади? Жамият инсонлар уйғонгандагина жонланади, тетиклашади, уйғонади.** Ана шундагина алоҳида олинган шахс, пировард натижада, инсонлар жамият ислоҳотларининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқиши мумкин.

**Иккинчидан,** биз бугун янги Ўзбекистонни барпо этишни, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришни ўз олдимизга катта мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада талай ютуқларга ҳам эришдик. Буни халқимиз, шунингдек, қатор давлатлар раҳбарлари ҳам, халқаро экспертлар ҳам аллақачон тан олиб, эътироф этмоқда. Буларнинг бари ҳаммамизда ифтихор туйғусини уйғотмоқда.

Аммо, бугун барчамиз ҳам қўлга киритилган муваффақиятлар сабабини таҳлил қилиб, эришилган ютуқлар манбаини, улар халқимиз, Президентимизнинг саъй-ҳаракати, жонсараклиги туфайли қўлга киритилаётганини тўлиқ тасаввур эта олмаяпмиз.

Бунинг учун, биз юқорида бот-бот айтган тафаккур тарзимиздаги нуқсонлар халақит қилаётганга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, айрим ҳолатларда баъзи ватандошларимизнинг ҳали ўзаро суҳбатларда, ҳали ижтимоий тармоқларда билдираётган, норозилик оҳангидаги “нуқтаи назар”ларини эшитиб, кўриб инсон ҳайрон қолади. Наҳотки, юртимизда сўнгги 5-6 йил ичида рўй берган ислоҳотлару туб ўзгаришларни кўриш мумкин бўлмаса?

Уларнинг бундай хулосага келишига, рўй бераётган ўзгаришларнинг сабабларини англолмай, халқимиз турмуш даражасининг қай даражада яхшиланиб бораётганини таҳлил қила олмаётгани таъсир этаётган бўлса керак. **Жамият аъзолари тафаккур тарзининг шаклланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, уларнинг мамлакат тақдирига масъуллиги шунча баланд бўлади.**

**Учинчидан,** бугун биз яшаётган дунё ҳаддан ташқари зиддиятли ҳолатлар гирдобига ўралашиб қолди. У кўп қутбли дунёга айланиб қолгандай. Ана шундай вазиятда мавжуд ҳолатни реал таҳлил қилиш, тўғри хулоса чиқаришдан мушкул иш йўқ. Кимларнингдир субъектив фикрларига қулоқ солиш, ёлғон хабарлар қулига айланиш бугун жуда осон бўлиб қолди.

**Бунинг сабаби ҳам тайин: теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар сабабини аниқлашга баъзан фикрий ожизлигимиз имкон бермаётганга ўхшайди. Гўё турли воқеалар гирдобига тушиб қолгандаймиз, тўғри хулоса чиқаришимизга нималардир тўсиқ бўлаётгандай. Ана ўша тўсиқ, бу — айрим ҳолларда тафаккур даражамизни ошириш йўлидаги сустлигимиз бўлса, баъзан эса мустақил фикр юритишимизга билим савиямизнинг пастлиги таъсир қилаётгандек.**

**Тўртинчидан,** тафаккур тарзимизни ислоҳ қилишга айрим фуқароларимиздаги аниқ билим ва тажрибаларга суянмасдан, ақл ва идрокка асосланмасдан хулоса чиқариш сабаб бўлмоқда. Фақат ҳис-туйғуларгагина ишониш (шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсон тафаккур тарзининг шаклланишида, шубҳасиз, ҳиссиётнинг ўрни ҳам катта. Бироқ у бу масалада бирламчи эмас) баъзан хато хулосалар қабул қилинишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам инсондаги тафаккур танқислиги унинг шошма-шошарлик билан хулоса чиқаришига, пировард натижада, айрим ҳаракатларида пала-партишлик юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Бекорга халқимиз “Етти ўлчаб, бир кес”, деган мақолни ўйлаб топмаган. Шу ўринда, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини эслатгим келди: **“Албатта, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур”.**

Ҳақиқатдан ҳам тўғри, бугунги шароитда, ҳар бир нарса ҳақида, босаётган ҳар бир қадамимизни чуқур ўйлаб, тўғри хулоса чиқармас эканмиз, унда биз хато қиламиз. Бунинг учун ўзимизни ўзгартиришимиз, тафаккур тарзимизни мунтазам такомиллаштириб боришимиз лозим бўлади. **Янги жамиятни,**



**демакки, Янги Ўзбекистонни эскича тафаккур билан қуриб бўлмайди. Бу — аксиома.**

Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган табригида яна бир бор одамларимизни ўзгаришга чақириб, давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчилнинг **“Яхши бўлиш учун — ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”,** деган гапини бежиз эсламаган бўлса керак. Ўзгариш дейилганда, шубҳасиз, инсон тафаккур тарзининг ўзгариши эътиборга олиняпти.

Бугун давлатимиз раҳбари барчамиздан ўзгаришни, тафаккур тарзимизни такомиллаштиришни талаб этяпти. Шу мақсадда барча имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Таълим ва тафаккур уйғунлигига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Таълим тизимидаги ислоҳотлар, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши, “Бир миллион дастурчи” каби лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар, ўнлаб танловлар — буларнинг бари келажак авлод тафаккур тарзини шакллантириш, уларда мустақил фикрлаш амалиётини пайдо қилишга қаратилганини эътиборга олиш муҳимдир.

**Мамлакат раҳбарининг Янги Ўзбекистонда янги маънавий макон яратиш, маърифатли жамият барпо этиш тўғрисидаги барча эзгу ишлари, ташаббусларини, мен аслида ёш авлодни мустақил фикрлашга, улар тафаккур тарзини такомиллаштиришга қаратилган муҳим, дадил қадамлар сифатида баҳолайман.**

Аслида ҳам шундай. Чунки бугун биз очиқ демократик, фуқаролик жамиятни барпо этишга астойдил киришдик. Бундай жамиятни фикрий, мафкуравий қулликдаги шахслар билан асло қуриб бўлмайди. Бошқача айтганда, янги жамиятни янгича тафаккур қиладиган шахслар билангина қурилиши мумкин.

Агар жамиятнинг ўзи тафаккур тарзи такомиллашган, ушбу феномен ҳодиса юксак талабларга жавоб берадиган маънавият ва маърифат билан йўғрилган инсонларга эҳтиёж сезмас экан, бу вазифани асло адо этиш мумкин эмас.

Бугун Ўзбекистон том маънодаги, ўзгаришларга интилиб яшаётган шахсларга муҳтож. Бошқача айтганда, ҳақиқий ривожланиш, тараққиёт ҳам жамиятнинг, ҳам шу жамият фуқароларининг янгиланиш, ўзгариш сари интилаётган эҳтиёжлари ўзаро уйғунлиги туфайлигина содир бўлиши мумкин. Бу жараёнда маънавият ва маърифат асосий ролни ўйнайди. Инсоннинг мавжудлиги унинг қалбида акс этади. Қалб эса маънавият, маърифат, илм-фан билан доимо тўлиб туриши лозим. Акс ҳолда, унинг ўрнини турли ёвуз мафкуралар, ғоялар эгаллайди. Улар эса инсон ақл-идрокини ёвузлик, ёмонлик, вахшийлик каби иллатлар томон етаклайди. Бунга бугун бутун дунёда маърифатли жамият қуришга киришилган бир даврда мисоллар жуда кўп.

Шунинг учун мамлакатимизда ёшлар тарбиясида улар тафаккур тарзини маънавий омиллар орқали шакллантиришга ҳаракат қилинмоқда. Яна шу нарсани алоҳида таъкидламоқ лозимки, том маънодаги маърифатли жамият шу жамият ва алоҳида олинган фуқароларнинг ўз тафаккур тарзини такомиллаштиришга бўлган соғлом эҳтиёжлари уйғунлашуви туфайлигина содир бўлади. Демак, **маърифатли жамият — соғлом эҳтиёжлар уйғунлашган жамият ҳисобланади.**

**Соғлом эҳтиёж эса янги маънавий маконда шаклланади.** Янги маънавий маконни барпо этиш бугунги Ўзбекистон олдида турган энг катта вазифалардан бири ҳисобланади. **Бундай маънавий маконда фуқаролар тафаккур қарамлигидан, маънавий биқиқликдан, фикрий камситишлардан озод бўлади.** Шунингдек, янги Уйғониш даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамият талабларига жавоб берадиган, эркин ва ҳур фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати бугун кун тартибида турибди.

Айнан ана шу зарурат халқимиздан тафаккур тарзимизни ўзгартиришни талаб этмоқда. Дарҳақиқат, эркин ва ҳур фикрли инсонлар билангина замонавий ва инновацион маънавий маконни яратиш мумкин. Бу ҳолат барчамиздан, бир томондан, замон руҳини эътиборга олиб, хорижнинг энг илғор тажрибаларидаги биз учун муҳим бўлган жиҳатларга аҳамият беришни талаб қилади.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор. **Анъанавий миллий тафаккур тарзимизда баъзан халқимизни минг йиллар давомида ўзгармасдан келаётган, айни пайтда, айрим эътиқоди суст кишиларни пассивликка ундайдиган қадриятлар ҳам борки, энди улардан воз кечиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Масалан, конформистик дунёқарашни олиб кўрайлик. Бундай дунёқарашга эга одамларда одатда турли шароитларга мослашишга мойиллик кучли бўлади. Улар меъёрий кўрсатмаларни ўта суст қабул қилади, қатъиятлик кўрсата олмайди.**

Конформ дунёқарашга эга кишилар жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишда, одатда, ўз фикрига суянмайди, бошқаларнинг нуқтаи назарини таҳлилсиз қабул қилади. Шу билан бирга ўз оппонентлари босимига дош беролмайди ва тез фикрий таслимга учрайди. Бундайлар кўпинча, муросасоз бўлади, тафаккур ва ирода кучига эга бўлмаганлиги учун бўлар-бўлмасга эргашаверади. Бироқ, энг ёмони бу эмас. Энг хавфлиси шундан иборатки, шу тоифадагилар кўпинча теварак-атрофдагилар томонидан “гапга кўнувчи”, “эсли”, “тарбия кўрган” сифатида қабул қилинади.

Ҳар бир ҳолатга осонлик билан мослашувга мойил бўлган кишилар ўз олдига катта, стратегик мақсадларни қўя олмайди. Улар шу куннинг ташвиши билангина яшайди. Уларда масъулият ҳисси бўлмайди. Масъулиятни осонгина бошқаларга “илиб” қўяверади. Шунинг учун конформ дунёқарашга эга инсонлар жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўта бефарқ бўлади. Айрим инсонларга хос бўлган лоқайдлик, бефарқлик улар турмуш тарзи, дунёқарашининг моҳиятини ташкил этади.

Хўш, бундай одамлардаги конформ дунёқарашни бартараф этиш мумкинми? Албатта, мумкин. Бунинг учун бизнинг назаримизда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан,** оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятда улардан у ёки бу масалада шахсий фикрини талаб қилиш, қатъиятли бўлиш инсоннинг том маънодаги моҳияти эканини тушунтириш лозим. **Иккинчидан,** мавжуд муаммолар ечимида баҳс-мунозараларнинг ўрни катта эканини англатиш керак. Баҳс-мунозаралар, айримлар таъкидлагани каби, келишмовчиликни англатмайди, аксинча, ягона тўғри йўлни топишга, масаланинг моҳиятини англаш сари ташланган қадам эканидан дарак беради. **Учинчидан,** конформ дунёқарашга эга инсонлар, айниқса, ёшларни кўпроқ ижтимоий-маънавий тадбирлар, турли танловлар, лойиҳаларда фаол иштирок этишини рағбатлантириш лозим. Бугун мамлакатимизда ана шундай муҳит мавжуд. Ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифат масканлари, таълим муассасаларида мунозара-баҳс тўгараклари, клублари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини кенг тарғиб этиш эса конформ дунёқарашга эга, мослашувчанлик кайфиятидаги айрим ёшларни ижтимоий фаоллаштиради, бундайлардаги лоқайдлик, бефарқликни бартараф этишга имкон беради.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътибор бериш лозим. Гап шундаки, **тафаккур эркинлиги инсондан мустаҳкам эътиқод талаб қилади.** Эътиқод инсонни ўзи амалга ошираётган ишга ишончини уйғотади, уни мустаҳкамлайди, имонини поклайди. **Эътиқод, шунингдек, инсонни ўз олдига қўйган мақсадига, жамиятда мавжуд қадриятларга нисбатан ҳурмат-эътиборни шакллантирувчи, уни ҳаракатга келтирувчи куч.** Ушбу феномен ҳодиса, айни пайтда жамиятда ва ҳар бир инсонда шаклланган тафаккур тарзини ифода этувчи омилдир. Эътиқодсиз одамда соғлом тафаккур шаклланиши мумкин эмас.

Эътиқод, аслида, муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур тарзи, дунёқарашдир. Уни шакллантирувчи омиллар кўп. Масалан, оилавий муҳит, кексалар ўгити, турли тадбирлар ва ҳоказолар. Аммо уларнинг ичида билим эътиқодни юзага келтирувчи энг асосий омил ҳисобланади.

Эътиқод инсоннинг билими, ҳаётий тажрибаси, жамиятнинг шахсга таъсири асосида шаклланади. Инсоннинг эътиқоди унинг нуқтаи назарлари ўзгармаслигида эмас. Ҳар бир инсон, айниқса, ёш йигит-қиз тажриба, билимнинг камлиги туфайли эътиқод деб билгани аслида сароб бўлиши ҳам мумкин. Мир Алишер Навоий шу ўринда айтган қуйидаги фикрга эътибор қаратайлик: **“Бу дунёда бир қил ҳам беҳуда яратилмаган, башарти, мен унда бирор хато кўрсам, бу оламнинг номукаммаллигидан эмас, балки менинг нуқтаи назаримнинг хато эканидандир”.**

Буюк алломанинг бу фикри биз учун ўта зарур. Айрим ҳолларда баъзи ёшларимиз ўз фикрларини ягона ва қатъий шаклда тўғри, деб ҳисоблайди. Аммо ҳар доим ундай эмас. Эътиқод ҳаёт тажрибаси, эгалланган билим, аждодлар ижтимоий тажрибаси, шу куннинг хусусияти каби омиллар натижасида шаклланадиган тафаккур тарзидир. **Эътиқодга айланмаган билим инсонни алдайди, адаштиради.**

Масалан, қадим-қадимдан бахт-саодатга эришиш мустаҳкам билим, аждодлар ўгити, тинимсиз меҳнат, ҳақ йўлида ўзини маънавий қурбон қилиш натижасида юз бериши мумкинлигини биламиз. Аммо айрим ёшлар ўзлари хоҳлаган бахтга бирданига, бир зарб билан, қийинчиликларсиз, осонлик билан, жонларини қийнамасдан эришишга интилади. Бундай ҳол билимнинг эътиқодга айланмаганини англатади.

Биз юқорида қайд этганимиз каби, бугун дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб боряпти, қадриятлар алмашяпти. Бу айниқса, ғарб дунёсида жуда тез содир бўлмоқда. Бундай жараёнлар, шубҳасиз, одамлар онги, тафаккурига таъсир қилмасдан қолмайди. Ўз позициясига эга бўлмаганларда ҳаётга бўлган тушкунлик, бесаранжомлик, қўрқиш, ваҳимага тушиш ҳолатлари учрамоқда.

Ғарб психологлари фикрича, уларнинг ҳаётий позициясида қуйидагилар алоҳида ажралиб туради:

**Тобелик позицияси.** Бунга бўш характерли, иродасиз, фаол бўлмаган



кишилар киради. Улар умр бўйи ишончсизлик руҳида яшайди, қариган чоғида ҳам эътироф ва эътибор кўрмагач, ўзини бахтсиз ва таҳқирланган сезади.

**Ҳимоя позицияси.** Бу ўз қобиғига ўралиб қолган инсонларга тегишли. Бундайлар бошқалар билан яқинлашишга интилмайди, ўз туйғуларини ҳам яширин тутади, танҳоликни истайди.

**Дунёга нафрат билан қараш позицияси.** Бундай “ғазабнок” кишилар ҳаётда кўрган ранж-алам ва омадсизликларини жамият, атрофдагилардан кўради. Улар ҳар кимдан гумонсировчи, тажовузкор бўлади, ҳеч кимга ишонмайди.

**Ўзига ва ўз ҳаётига нафрат билан қаровчилар позицияси.** Бу тоифа одамларга беҳафсала, суст, оғир руҳий кайфиятдагилар киради. Улар ўзини ёлғиз ва кераксиз сезади, ўз ҳаётини омадсиз ҳисоблайди, ўлимга эса маъносиз оламдан қутулиш сифатида қарайди.

Дунё тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ана шундай тушкун кайфиятдаги айрим инсонларни салбий ҳолатдан чиқариб олиш ўта мушкул. Бундай вазиятда ягона тўғри йўл — адашганларда тафаккур ислоҳотларини ўтказишга кўмак беришдан иборат. Бу осон вазифа эмас. Бунинг учун, бир томондан, жамиятда шундай ижтимоий-маънавий муҳит яратиш лозимки, барчанинг ижтимоийлашуви учун қулай шароит яратилиши шарт. Иккинчидан, жамият аъзоларида ўзини ўзгартиришга, дунёқарашини кенгайтиришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш керак. Ҳар икки ҳолат ҳам ўзаро уйғун. Уларнинг бири иккинчисисиз амалга ошмайди.

**Биз юқорида янги маънавий маконни барпо этишга киришганимизни қайд этган эдик. Бундай макон, мамлакат раҳбари таъкидлагани каби халқимиз миллий маънавий қиёфасида дунёвий тафаккур тамойилларини шакллантиришдан бошланади. Дунёвий тафаккур инсонни қатъиясизликдан қутқаради, амалий ҳаракатга ундайди, жамиятда мавжуд қонунларга амал қилиш кўникмасини шакллантиради.** Инсоннинг моҳияти унинг эркинлигида экан, у ҳар доим мустақил фикрлашга, вақтни бесамар сарфламасдан эзгулик, хайрли ишларга астойдил киришиши бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Биз дунёвий тафаккур деганда, одамларнинг жамият томонидан қабул қилинган, эътироф этилган қонунларга амал қилишини, мамлакатда рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришлар, ислоҳотларга ўзининг масъулияти борлигини ҳис этиши, янгича фикрлашини назарда тутамиз. Айни пайтда, бугун айримлар билан суҳбатлашганда, янгича тафаккур деганда минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятларимизга беписандлик кайфиятини ҳам кўрамиз. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, имон бутунлиги, сабр-қаноат мустаҳкамлиги, миллий қиёфамизда раҳмат ва шафқатнинг уйғунлигисиз дунёвий тафаккур тўғрисида бонг уришимиз ҳеч қандай натижа бермайди.

**Шу ўринда яна бир нарсага эътибор беришимиз муҳим. Бу — дунёвий тафаккурни миллий ахлоқ қоидалари билан уйғунлаштирмасдан шакллантириб бўлмаслиги хусусида. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ахлоқ — ижтимоий онг шаклларидан бири, жамият, оиладаги юриш-туриш тамойиллари ва нормалари йиғиндиси.** Ахлоқ жамоатчилик фикрига суянади, у кишининг хатти-ҳаракатида унинг жамиятга, оилага, ижтимоий фойдали меҳнатга, жамоатчиликка муносабатида намоён бўлади.

Ўзбек халқи миллий ахлоқининг муҳим жиҳатлари сифатида, энг аввало, юксак инсонпарварлик, ватанпарварлик, яхшилик улашиш, жамоатчиликка суяниш, халқлар дўстлиги каби қадриятларни санаш мумкин. Юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир-олимлар эътироф этиши бўйича инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади.

Биз бугун ўз тафаккур тарзимизни ислоҳ қилишга киришар, бу жараёнда миллий ахлоққа суянмас эканмиз, кўзлаган марраларимизга ета олмаймиз. **Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз ахлоқий мезонлари бор. Масалан, немис халқининг ахлоқий тамойилларида аниқ ҳисоб-китобни, французлар ахлоқида “устаси фаранг”ликни, хитойликлар тиришқоқликни, японлар ақл-заковатни, Европа шимолидаги халқлар ахлоқида вазминлик ва босиқликни, инглизлар ахлоқий қадриятларида аристократизмни (киборлик) кўрсак, буларнинг бари ўзбек миллий ахлоқ меъёрларида аллақачонлар ўз аксини топган.** Янги Ўзбекистонда янги маънавий маконни барпо этиш асносида ана шу ахлоқий сифатларнинг бари янада чуқурроқ ўз заминига эга бўлади. Бу сифатлар, шубҳасиз, барча фуқароларда дунёвий тафаккур тарзини шакллантира олади.

Юқоридагилардан қисқача шундай хулоса қилиш мумкинки, **дунёвий тафаккур, энг аввало, соғлом эҳтиёж, юксак эътиқод, миллий ахлоқ каби қадриятлар, ижтимоий омиллар уйғунлиги натижасида барпо этиладиган янги маънавий макондагина шаклланиши мумкин.** Янги маънавий макон, ўз навбатида, бугун мамлакатимизда ижтимоий заруратга айланган, минг йиллар давомида юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир-алломалар орзу қилган маърифатли жамиятни юзага келтиради.

Жамият аъзоларида дунёвий тафаккур тарзини шакллантириш учун бугун мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми очилиши маросимида айтгани каби, “энг муҳим ютуғимиз шуки — биз жамиятимизда “ёпиқлик муҳити”дан қутулиб, Янги Ўзбекистон пойдеворини айнан эркинлик ва адолат тамойиллари асосида барпо этмоқдамиз”.

Дарҳақиқат, тафаккур тарзи кенг ва юксак эътиқодли инсонлар билан жамиятни янгилаш, ўзгартириш, бахтли келажак қуриш мумкин. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ўзгаришлар, ислоҳотлар туфайли одамларнинг ўзи амалга ошираётган ишларидан кўнгли тўлмоқда, барқарор ривожланган, кучли, адолат тантана қилган жамиятни қуриш уларнинг эътиқодига айланмоқда. Бу, фикримизча, кейинги йилларда биз қўлга киритган энг катта ютуқлардан ҳисобланади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ТУРИЗМ

# ЖАМОЛИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАР

# ФАРҒОНА

## *МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ДИЁРИ*



**Фарғона вилояти мамлакатимизнинг кўҳна ва навқирон, табиати бетакрор ҳудудларидан бири. Гўзал табиатини, мусаффо об-ҳавосини, унумдор ерларини асрлар давомида дунёга кўз-кўз қилиб келаётган ажиб ўлкада муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, тарихий обидалар кўп. Улар фарғоналикларнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида ҳикоя қилади.**

Кейинги йилларда ушбу бой маънавий-маданий меросга, ёдгорликларга, осори атиқаларга, бетакрор табиат дунёсига сайёҳларнинг қизиқиши ортмоқда. Бу борада Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, шунингдек, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Натижада туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшиги очилди, сайёҳлар келиши учун барча шароитлар яратиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони соҳа ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугун Фарғона вилоятида туризмни комплекс йўлга қўйиш, янги йўналишлар ташкил этиш, сайёҳларга қулай транспорт-логистика, меҳмонхона ва бошқа хизматлар кўрсатиш борасида фаол амалий ишлар олиб бориляпти. Экотуризм, агротуризм, этнотуризм, спорт туризми, қишлоқ туризми ва тиббиёт туризми каби янги йўналишларда ҳам салмоқли ишлар қилиняпти.

Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Латвия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиши натижасида 2021 йилда вилоятга 400 мингдан зиёд сайёҳ келди. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг 50 минг нафарга яқини хорижликлар. Оилавий меҳмон уйларини ташкил этиш борасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Шу кунга қадар 46 та янги оилавий меҳмон уйи ташкил этилиб, уларнинг сони 198 тага етди.

## Сайёҳлар учун қулай ва ёқимли

Туризм йўналишида янги тармоқ — ҳунармандчилик туризмини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бежиз эмас. Марғилоннинг ипак матолари, Риштоннинг кулол буюмлари, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги намуналари бугун ҳам кўпчиликни ўзига мафтун этиб келади. Бу йўналишларда туризм объектлари ташкил этилаётгани эса хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Президентимиз 2020 йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига сафари чоғида ҳунармандлар марказлари фаолиятини йўлга қўйиш борасида вазифалар белгилаб берган эди, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзаҳмедов. — Айни кунда Марғилон шаҳри ва Риштон туманида ҳунармандлар марказлари ташкил этилди. Бу ерга келган сайёҳлар ҳунармандчилик дастгоҳлари, иш жараёнлари билан танишиш асносида ипак матолар тўқиш, кулолчилик буюмлари тайёрлашда бевосита иштирок этиб, ўзлари танлаган маҳсулотларни харид қилиш имкониятга эга бўлади. Ҳунармандлар марказларида сайёҳларнинг келиб кетишлари, дам олишлари, маҳсулот харид қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Марказларда ҳафтанинг муайян кунларида миллий маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади. Бу кўргазмалар кўҳна юртнинг ҳунармандчилик анъаналарини дунёга тарғиб этиш, ички ва ташқи туризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этяпти.

Айни пайтгача вилоятнинг 13 та туманида давлат-хусусий шериклик асосида янги ҳунармандчилик марказлари очилди. Ёғоч ўймакорлиги, ипакчилик, гиламчилик, заргарлик, кандакорлик, бешикчилик, миллий либослар, косибчилик йўналишлари хорижлик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қўл меҳнатига асосланган юздан ортиқ ҳунар турларини сақлаш ва ривожлантириш орқали икки мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Марғилонда фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар марказини бугун хорижда ҳам кўпчилик билади. Бу ерда тўқилаётган гиламлар, айниқса, машҳур. Чет элдан келган меҳмонлар, албатта, бу марказга келади ва нимадир харид қилади. Мутахассисларнинг айтишича, соф ипакдан, қўлда тўқилган гиламларни



сотиб олиш учун хорижлик сайёҳлар пулларини аяб ўтирмайди. 40-50 минг АҚШ долларига ҳам гилам сотилгани ҳақида бизга айтиб берди. Шунингдек, атлас, адрас матолар ҳам сайёҳлар севиб харид қиладиган маҳсулот ҳисобланади. Энг муҳими, чеварлар марказнинг ўзида ўлчамини олиб, буюмлар тикиб беради. Бу сайёҳлар учун жуда қулай ва ёқимли.

## Каштанзор сайрга чорлайди

Дунёда туризм кўчалари билан маълум ва машҳур бўлган диёрлар кўп. Бундай кўчалар шу ерда умргузаронлик қилаётган аҳоли турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини кўрсатувчи муҳим инфратузилма сифатида эсда қолади. Фарғонада ҳам ана шундай туризм кўчасини ташкил этиш борасида ишлар бошланди.

“Туризм гастрономик марказлари”, “туризм қишлоқлари”, “туризм кўчалари”ни барпо этиш орқали халқимизнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда ташриф буюраётган сайёҳлар учун муносиб инфратузилма яратиш кўзда тутилган. Айни пайтда Фарғона шаҳрининг Каштанзор кўчасида “туризм кўчаси”ни барпо этиш ишлари бошланди.

— Шаҳримиз марказидаги Каштанзор кўчасида умумий узунлиги 2,5 километр бўлган “Туризм кўчаси”ни хиёбон кўринишида қуриш режалаштирилган, — дейди вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси бош мутахассиси Шоҳрух Ҳошимов. — Бу ҳудуд тунда ҳам энг ёруғ манзиллардан бири бўлиши учун замонавий чироқлар ўрнатилади. Ёзнинг жазирамаси, кузнинг ёмғирларида сайрнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида энг чиройли ўриндиқли соябонлардан фойдаланилади. Кўча бўйлаб жонли санъат бурчаклари ташкил қилиниб, рассомлар, ҳайкалтарошлар, созандалар учун махсус жойлар ва саҳналар қурилади. Сувенирлар савдоси, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари расталари учун ҳам жой ажратилади. Санитария-гигиена пункти ва албатта, туризм ахборот маркази қурилиб, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари, кинотеатр, маданият уйи, ресторан, Марказий деҳқон бозори, супермаркет каби мажмуалар ҳам ушбу ҳудудда жойлашгани “туризм кўчаси”нинг кўринишини янада бойитади.

“Туризм кўчаси”да ўзбек халқининг миллий урф-одат ва анъаналари бўй кўрсатиб туришига эътибор берилмоқда. Хусусан, кулолчилик, атлас-адрас тўқиш устахоналари учун алоҳида жой ажратилиши мўлжалланган. Чунки сайёҳлар ўзбек халқи ва уларнинг кундалик юмушларига кўпроқ қизиқади. Шунингдек, пиёдалар, велосипедлар учун алоҳида йўлаклар ва кўча бўйлаб сайр учун махсус кичик транспортлар фаолияти йўлга қўйилади. Селфи ва WI-FI зоналари эса Фарғона заминини туристлар масканига айлантиришда ўзига хос имконият эшикларини очиши шубҳасиз.

## Экотуризм – истиқболли йўналиш

Вилоятда ўнлаб янги экотуризм марказларини ташкил этиш борасида амалий ишлар бошланган. Жумладан, Фарғона тумани Водил қишлоғидаги “Чинор таги”, Аввал қишлоғидаги “Етти булоқ”, Учкўприк туманидаги “Меҳригиё”, Қўқон давлат ўрмон хўжалиги, Қувасой шаҳридаги “Водий тулпорлари” от спорти мажмуаси, Қува туманидаги “Каркидон” сув омбори қирғоқлари, “Фарғона анорлари” ҳамда “Миндонобод” агросаноат фирмалари бўйлаб саёҳат ташкил этиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилган. Қувалик тадбиркор Мирзоҳид Нишонов ташаббуси билан “Каркидон” сув омбори қирғоғида дам олиш масканлари ташкил этилди. Ўзига хос қулайликларга эга бўлган ҳудудда ҳордиқ чиқаришни хоҳловчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу ерга келган сайёҳлар замонавий яхта ва елканли кема, шунингдек, гидроцикллардан фойдаланган ҳолда “Каркидон” сув омборида мириқиб дам олиш имкониятига эга бўлмоқда.

— Ҳозир сув ҳавзаси қирғоқларида 12 та ана шундай дам олиш маскани барпо этиш учун маҳаллий ва хорижлик инвесторларни жалб этиш борасида иш олиб борилмоқда, — дейди вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Музаффар Темиров. — Умумий майдони 10 гектарни ташкил этган масканда спорт майдончалари, бассейн, ошхона, меҳмонхона сингари кўплаб инфратузилма тармоқлари қурилади. Бешариқ туманининг Қияли ва Андархон қишлоқлари ҳамда Сўх туманида экотуризм бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, Чимён қишлоғи ва Олтиариқ туманидаги Қизилтепа қишлоғига туризм қишлоғи мақомини бериш ҳамда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида меҳмон уйлари ташкил этиш ишлари якунига етай деб қолди. Халқаро аҳамиятга эга А-373 магистрал йўли ёқасида “Ягона туризм коридори” инфратузилмасини ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.





## Шоҳимардон — кўҳна маскан

Шоҳимардон мўъжазгина, шу билан бирга, жуда сўлим қишлоқ. Унинг бетакрор табиати, мусаффо об-ҳавоси, кўл ва булоқлари, зилол сувлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Оқ сув ва Кўк сув дарёлари кўҳна масканга ўзгача улуғворлик бағишлайди. Қишлоқ қадим-қадимдан Фарғона водийси аҳолисининг азиз зиёратгоҳи, дам олиш маскани бўлиб келган. Бу ерда Ҳазрат Али Шоҳимардон, шоҳ Толиб сингари тарихий шахсларнинг мақбаралари бор. Денгиз сатҳидан 2500-2700 метр баландликда жойлашган Шоҳимардондаги Катта Камар ғоридан топилган тош тасвирлар қишлоқда ҳамма даврларда ҳам ҳаёт қизғин кечганлигидан далолат беради.

Вилоятда олиб борилаётган туризм салоҳияти ва имкониятини кенгайтириш борасидаги амалий ишлар тоғ қишлоғида соҳанинг экологик ва алпинизм йўналишларини ривожлантириш имкониятини беряпти. Шу мақсадда “Шоҳимардон” ва “Ёрдон” маҳалла фуқаролар йиғинларида “Шоҳимардон экотуризм маркази” ташкил этилди. Марказ йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар учун қизиқарли лойиҳаларни таклиф этмоқда. Дам олувчилар қишлоқнинг сўлим табиати, маданий ёдгорликлари билан танишиш асносида қўшни Қирғизистон ҳудудида жойлашган “Кўк-кўл” ва “Дугоба” дам олиш масканларида бўлиш



имкониятига эга. Ўтган йилнинг ўзида экотуризм йўналишида 5 минг нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатилди.

— Вилоятда “Шоҳимардон — туристик-рекреацион маскан” бош режаси лойиҳаси ва “Водий ҳалқаси” номли йўналишнинг интернет ва мобиль иловалари, барча фойдалана оладиган электрон харитаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди Музаффар Темиров. — “Водий ҳалқаси” йўналиши водийнинг барча шаҳар ва туманларини ўз ичига қамраб олган. Бу дегани, автобус ёки енгил машинага ўтириб, Фарғона водийсидаги барча шаҳар ва қишлоқларни, тарихий обидаларни, муқаддас қадамжоларни кўриш, зиёрат қилиш мумкин. Бундан ташқари, туризм салоҳияти юқори бўлган Риштон, Қува, Учкўприк, Олтиариқ, Ёзёвон, Бешариқ ва Ўзбекистон туманларида стенд кўринишидаги туристик хариталар ўрнатиш ҳам режалаштириляпти.

## Янги имкониятлар

Соҳада бўлаётган ўзгаришларни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу дастурга кўра, 2021-2022 йилларда 18 та туристик ва маданий мерос объектини ободонлаштириш, йўл ва бошқа инфратузилмаларни тартибга солиш учун 34 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. Бу борада махсус “йўл харитаси” тасдиқланган. Айни кунларда уларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари амалга ошириляпти.

— Қўшни давлатлар билан маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар сўнгги йилларда янада ривожланиб бормоқда, — дейди туризм ва маданий мерос бош бошқармаси матбуот котиби Баҳодиржон Ҳошимов. — Қирғизистон Республикаси билан азалий қўшничилик муносабатлари доирасида Ўш, Норин ва Боткен вилоятлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Натижада йиллар давомида узилиб қолган маданий алоқалар, инфратузилма тармоқлари тикланди. Масалан, Риштон тумани орқали сўлим Сўх тумани ва Боткен вилоятига йўл очилди. Шоҳимардон туристик маскани яна фаолиятини бошлади. Бу борадаги амалий ҳамкорлик Тожикистоннинг Сўғд вилояти билан ҳам йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда ички ва зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш учун 376 та маданий мерос объектида саёҳатчиларга ҳар жиҳатдан қулай шароитлар яратишга эътибор қаратиляпти.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда туризм салоҳиятини ошириш, турларини кўпайтириш учун кўплаб имкониятлар бор. Шу мақсадда 30 га яқин меҳмонхона, 14 дан ортиқ туроператорлик ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Замонавий автобуслар, Қамчиқ довони бўйлаб темир йўл қурилгани, енгил автомашиналар қатновининг йўлга қўйилгани дунё халқларининг водий вилоятларига бўлган эътибор ва қизиқишини янада оширмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 902
85049 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:50 Топширилди — 02:50